

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12. Tib.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ЖАСУР НЕМАТОВИЧ

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЎТКИР ПНЕВМОНИЯНИНГ
ВЕГЕТАТИВ БУЗИЛИШЛАР ФОНИДА КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахманов Жасур Нематович

Эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг

вегетатив бузилишлар фонида

кечиш хусусиятлари..... 3

Абдурахманов Жасур Нематович

Особенности течения острых пневмоний у детей

раннего возраста на фоне вегетативных

расстройств..... 27

Abduraxmanov Jasur Nematovich

Characteristics of acute pneumonia progression

against the background of vegetative disorders

in young children..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12. Tib.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ЖАСУР НЕМАТОВИЧ

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЎТКИР ПНЕВМОНИЯНИНГ
ВЕГЕТАТИВ БУЗИЛИШЛАР ФОНИДА КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори диссертацияси (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2021.3PhD/Tib.2099 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобомуратов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипов Рустам Хантович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12. Tib.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй. СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникаси. Тел./факс: +99866-233-78-86, +99866-233-78-83 e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



А.М. Шамснев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда замонавий тиббиётнинг ютуқларига қарамай, эрта ёшдаги болаларда кузатиладиган ўткир пневмония ҳамон оғир касалликлар қаторига киради ва бутун дунёда болалар ўлимининг асосий сабабчиси ҳисобланади¹. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, "...ҳар йили дунёда болаларда пневмония билан касалланишнинг 155 миллионга яқин ҳолати қайд этилади. Шундан тахминан 1,4 миллион бола беш ёшгача вафот этади, бу эса беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг 22 фоизини ташкил қилади. Ушбу ҳолат туфайли ЖССТ пневмонияни ўлимга олиб келадиган етакчи касаллик деб эълон қилди ва "Пневмониянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича глобал ҳаракатлар режаси"ни ишлаб чиқди²...". Пневмониянинг ривожланиши ва кечиши яллиғланиш жараёни динамикасида ацетилхолин ва катехоламинлар миқдорининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган вегетатив нерв системаси бузилишлари билан узвий алоқадор эканлиги аниқланган. Шунинг учун вегетатив тонуснинг издан чиқиши ва микроциркуляцияни бузилиши касалликнинг оғир ва чўзилувчан кечиши хавфини оширади, бу касаллик кечиши ва ривожланишини башорат қилиш, асоратларнинг олдини олиш каби масалалар педиатрияда зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалардаги ўткир пневмониянинг этиологияси, ривожланиш механизмлари, эрта ташхислаш, вегетатив бошқарув тизимининг жавоб бериш қонуниятлари, шунингдек, самарали даволаш ва реабилитация усулларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, вегетатив тонусни бошқариш механизмларини ўз вақтида аниқлаш, ўткир пневмониянинг асоратли кечишига сабаб бўлувчи омилларни белгилаш, D витаминининг ролини аниқлаш, макро ва микроэлементларнинг ўткир пневмония кечишидаги ташхисий аҳамиятини асослаш, эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияда вегетатив дисфункцияни инobatга олган ҳолда даволаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида учрайдиган соматик касалликларга эрта ташхис қўйиш, улар асоратларининг олдини олиш юзасидан режали дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланган: "...бирламчи тиббий-санитария ёрдамида малакали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш..."³. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, вегетатив дисфункциялар фонида эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг кечиш хусусиятлари ўрганиш, D витамини, макроэлементлар

¹ Брико Н.И., Коршунов В.А., Ломоносов К.С. Пневмококковая инфекция в Российской Федерации: состояние проблемы //Вестник Российской академии медицинских наук. – 2021. – Т. 76. – №. 1. – С. 28-42.

² <https://science-education.ru/ru/article/view?id=30897>

³ Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

даражаси аниқлаш, ўткир пневмонияни даволаш ва олдини олиш алгоритмлари такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини олдини олиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликнинг олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида," 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI – “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда шифохонадан ташқари ўткир пневмония болалар пульмонологиясининг кенг муҳокама қилинаётган муаммоси бўлиб, олимлар ва амалиётчи шифокорларнинг диққат марказида турибди. ЖССТ ва БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан пневмониянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Глобал ҳаракатлар режаси эълон қилинган бўлиб, ушбу режанинг асосий мақсади самаралилиги исботланган даволаш-профилактика чора-тадбирларини янада кенгроқ ўтказишни ўз ичига олади; ушбу йўналишда аниқ чора-тадбирлар кўриш бўйича қўлланма бўлиб хизмат қилади (www.who.int/pneumonia, 2020г.).

Илмий адабиётларда болаларда пневмония этиологияси ҳақидаги маълумотлар зиддиятли бўлиб, бу эпидемиологик вазиятлар ва тадқиқот услубларидаги фарқлар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, шифохонадан ташқари пневмония (ШТП) этиологияси ёш хусусиятларига кўра сезиларли даражада фарқланади (А.А.Какеева ва бошқ, 2021; Ткачева А. А. ва бошқ 2022). Эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг салбий оқибатларига таъсир қилувчи сабабларни дифференциал аниқлаш муаммоси бўйича таҳлил олиб борилмоқда (Жанажанов А. Р. ва ҳаммуаллифлар, 2018). Бугунги кунда эрта ёшдаги болаларда пневмониянинг ривожланиши ва асоратли кечишида иммунитетнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги барчага маълум (А.В. Казакова ва ҳаммуаллифлар, 2019). Иммунитет танқислигининг гистологик белгилари сифатида кўриш майдонида тимус чегарадош бўлаклари сонининг ортганлиги ва етилмаган тимоцитлар миқдорининг кўпайганлиги аниқланди. (Мудрак Д.А. ва ҳаммуаллифлар 2020).

Болаларда вегетатив бузилишлар муаммоси педиатрияда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда бронх-ўпка патологиясида вегетатив нерв системасининг ролига катта эътибор берилмоқда. (Борисова А.И. ва ҳаммуал.2019, Кузнецова М.С. ва ҳаммуал.2018, Давронов И.И. ва

хаммуал. 2019). Вегетатив нерв системасининг (ВАТ) функционал ҳолати пневмониянинг ривожланиши ва клиник кечишида муҳим роль ўйнайди. Бироқ, унинг аҳамияти ҳозирги кунда етарлича ўрганилмаган. Кўплаб илмий ишлар мавжуд бўлишига қарамай, пневмония асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ривожланиш сабаблари ҳақидаги кўпгина масалалар ҳали ҳам тўлиқ тадқиқ этилмаган. Пневмонияда энг хавфли асоратлар юрак-қон томир системасининг зарарланиши билан боғлиқ. (Гончарова Т.А. 2018). Вегетатив гомеостаз организм ҳолатининг физиологик юкламаларга ёки патологик ҳолатларга мослашиш жараёнидаги ўзгаришларига биринчилардан бўлиб жавоб беради. Бошқача айтганда, соматик функцияларнинг умумий ҳолатини акс эттирувчи вегетатив тонус мослашув жараёнларида бошқарувчи бўғин ҳисобланади. Унинг бузилиши эса соматик касалликларнинг юзага келиш эҳтимолини ҳам, кечиш оғирлигини ҳам олдиндан белгилаб беради. (Тишутин Н.А. ва ҳаммуал. 2022). Шу сабабли, шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган болаларда мослашувнинг бузилиши билан боғлиқ патогенетик аҳамиятга эга механизмларни аниқлаш нуктаи назаридан ВНС функциясидаги четланишларни ўрганиш долзарбдир. Адабиётларга кўра, соматик патологияси бўлган болаларда иккиламчи хусусиятга эга бўлган ва асосий касалликнинг асоратлар билан кечишида аҳамиятга эга бўлган вегетатив гомеостазнинг турли хил бузилишлари тез-тез учрайди. (Ивкина С.С. ва ҳаммуал 2018).

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, ўткир пневмониянинг асоратли кечиши ривожланишининг клиник-биокимёвий ва патогенетик механизмларини янада чуқурроқ ўрганиш замонавий педиатриянинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда ва тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга. Ҳал этилмаган ва мунозарали масалалар эса ушбу тадқиқотнинг илмий ва амалий заруратини тасдиқлайди. Шу сабабли, асосий касаллик давомида нохуш асоратларни олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида вегетатив нерв тизими фаолиятидаги бузилишларни ўз вақтида аниқлаш зарурати пайдо бўлади. Бу эса эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмония даволанишини асосли равишда тузатиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ-2018-090921394-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташхисоти ва даволаш – профилактика чора-тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2022-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади вегетатив дисфункцияси мавжуд эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг кечиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда комплекс даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вегетатив дисфункцияга эга эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг клиник кечиши ва хусусиятларини аниқлаш;

эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмония ҳолатида кардиоинтервалография усули орқали юрак ритми ўзгарувчанлигини аниқлаш;

вегетатив дисфункцияси бўлган эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияда D витамини ва макроэлементлар (кальций, магний ва фосфор) даражасини аниқлаш;

болаларда ўткир пневмонияда вегетатив нерв системаси ҳолати ва клиник-биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш;

ўткир пневмония билан касалланган болаларда аниқланган четланишларни комплекс даволаш самарадорлигини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг болалар бўлимида ва Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация ва пульмонология бўлимида даволанган 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган ўткир пневмония билан касалланган 120 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва биокимёвий тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг қон зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумиклиник, лаборатор, биокимёвий, рентгенологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вегетатив дисфункцияси бор эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари (оғир кечиши 55%) ва кардиоинтервалография кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали вегетатив нерв системасининг функционал ҳолати аниқланган;

вегетатив дисфункция фонида ўткир пневмония билан касалланган болаларда макроэлементларнинг (Ca^{2+} , P, Mg^{2+}) ўзига хос силжиши ва пневмония асоратларининг ривожланишида D витаминининг роли исботланган;

эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияда вегетатив нерв системаси ҳолати билан клиник-биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияни даволашда вегетатив дистония синдромини кўрсатувчи ва касалликнинг клиник кўриниши ҳамда кечиш оғирлигини инобатга олган ҳолда анъанавий комплекс даво муолажасига қўшимча Магне В6, левокарнитин, Витамин D препаратларини қўллаш орқали даволаш усули такомиллаштирилган ва унинг юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эрта ёшдаги болаларда кўпинча ШТПда ўчоқлар-қўшилган, сегментар ва баъзан аборттив кечувчи крупоз шакллари учраши аниқланган;

ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда дастлабки вегетатив тонуснинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган: гиперсимпатикотония ва симпатикотония устунлиги, уларнинг частотаси касалликнинг оғирлик даражасига қараб ўзгариб туриши исботланган;

Ўткир пневмония кечишининг оғирлиги ва вегетатив бузилишларнинг табиати ўртасидаги боғлиқлик аниқланган: асоратланмаган пневмонияда гиперсимпатикотония 43,1% ҳолларда учраган бўлса, асоратланган пневмонияда унинг частотаси 52,7% гача ошганлиги ва асоратланмаган шакли бўлган болаларнинг 55% ида симпатикотония кузатилган бўлса, асоратланган пневмонияда бу кўрсаткич 30,9% ни ташкил этганлиги кузатилган;

эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг кечишини ташхислашда ва прогнозлашда дастлабки вегетатив тонусни ҳисобга олиш зарурати асосланган;

ушбу тоифадаги беморларда ўткир пневмонияни комплекс даволашда вегетатив бузилишларни коррекциялаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усулларнинг тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал ва биокимёвий тадқиқотларнинг объектив кўрсаткичлари, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий изланишлар маълумотлари билан таққосланиши орқали тасдиқланади. Илмий натижалар замонавий статистика усуллари ва биоинформатика дастурлари ёрдамида таҳлил этилди. Қўлланилган тадқиқот усуллари диссертация ишининг мақсад ва вазифалари билан тўлиқ мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг ривожланиши ва кечишида вегетатив нерв системасининг (ВНС) ҳолатини баҳолаш ва пневмония асоратлари билан ўзаро боғлиқликни аниқлаш, қўшимча ташхис мезонлари сифатида қоннинг электролит таркибини (Ca^{2+} , P , Mg^{2+}) ва D витамини даражасини аниқлаш, ҳамда ушбу беморларда вегетатив нерв системасидаги бузилишларни эрта аниқлаш имконини берадиган ташхис мезонларини шакллантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ўткир пневмония асоратларининг ривожланиш хавфини баҳолашда қўшимча мезонлар сифатида вегетатив нерв системаси (ВНС) ҳолати ва макроэлементлар даражасидан фойдаланиш натижасида касалликнинг эрта ташхислаш ва кечишини олдиндан башорат қилиш, болаларни даволашнинг индивидуал схемаларини ишлаб чиқиш ва асоратлар хавфини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда вегетатив дисфункциялар механизмларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 07 октябрь 26/20-сонли ҳулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: вегетатив дисфункцияси бор эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари (оғир кечиши 55%) ва кардиоинтервалография кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали вегетатив нерв системасининг функционал ҳолати аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий

кенгаши томонидан 2024 йил 4 декабрдаги 4-сон билан тасдиқланган “Ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда вегетатив бузилишлар механизмлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2025-йил 27-февральдаги 32-сонли буйруғи ва Самарқанд шаҳар 1-сон Болалар шифохонасининг 2025-йил 21-апрельдаги 102-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 07 октябрьдаги 26/20-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: Вегетатив дисфункцияга эга болаларда ўткир пневмониянинг ўзига хос клиник белгилари аниқланиши орқали касалликни эрта ташхислаш ва тўғри даволаш имкониятлари кенгайди. Иқтисодий самарадорлиги: Пневмониянинг оғир шакллари ва асоратларини олдини олиш ҳисобидан стационар даволаниш муддати қисқаради, бу эса тиббий харажатларни тежашга ёрдам беради.

иккинчи илмий янгилик: вегетатив дисфункция фонида ўткир пневмония билан касалланган болаларда макроэлементларнинг (Ca^{2+} , P, Mg^{2+}) ўзига хос силжиши ва пневмония асоратларининг ривожланишида D витаминининг роли исботланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 4 декабрдаги 4-сон билан тасдиқланган “Ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда вегетатив бузилишлар механизмлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2025-йил 27-февральдаги 32-сонли буйруғи ва Самарқанд шаҳар 1-сон Болалар шифохонасининг 2025-йил 21-апрельдаги 102-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 07 октябрьдаги 26/20-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: Ўткир пневмония билан касалланган болаларда вегетатив дисфункциялар фонида макроэлементлар — кальций (Ca^{2+}), фосфор (P) ва магний (Mg^{2+}) миқдорининг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш болалар соғлиғини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан пневмония кечиши оғирлашишига олиб келувчи электролит дисбалансини эрта аниқлаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ВНТ функционал ҳолатини баҳолаш орқали асоратларни олдиндан аниқлаш, стационар даволаш муддатини қисқартиради ва амбулатор кузатувни мақсадли ташкил этиш орқали такрорий госпитализация ҳолатлари пасаяди.

учинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияда вегетатив нерв системаси ҳолати билан клиник-биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 4 декабрдаги 4-сон билан тасдиқланган “Ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда вегетатив бузилишлар механизмлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2025-йил 27-февральдаги 32-сонли буйруғи ва Самарқанд шаҳар 1-сон Болалар шифохонасининг 2025-йил 21-апрельдаги 102-сонли буйруғи билан клиник

амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 07 октябрьдаги 26/20-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: Ўткир пневмония билан касалланган болаларда касалликнинг клиник кечиши, вегетатив дисфункция даражаси ва қон биокимёвий кўрсаткичлари (макроэлементлар ва витамин D миқдори) нинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, эрта ёшдаги беморларда асоратларни барвақт прогноз қилиш ва мақсадли реабилитация чораларини белгилаш имконини яратади. Иқтисодий самарадорлиги: Макроэлементлар дисбалансини эрта аниқлаш ва коррекция қилиш стационар даволаш муддатини қисқартиради, парентерал терапия ёки реанимация эҳтиёжини камайтиради ҳамда асоратлар сони камайиши такрорий госпитализация ҳолатларини пасайтиради ва амбулатор кузатув харажатларини тежайди.

тўртинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияни даволашда вегетатив дистония синдромини кўрсатувчи ва касалликнинг клиник кўриниши ҳамда кечиш оғирлигини инобатга олган ҳолда анъанавий комплекс даво муолажасига қўшимча Магне В6, левокарнитин, Витамин D препаратларини қўллаш орқали даволаш усули такомиллаштирилган ва унинг юқори самарадорлиги исботланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 4 декабрдаги 4-сон билан тасдиқланган “Ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда вегетатив бузилишлар механизмлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2025-йил 27-февральдаги 32-сонли буйруғи ва Самарқанд шаҳар 1-сон Болалар шифохонасининг 2025-йил 21-апрельдаги 102-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 07 октябрьдаги 26/20-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: D витамини етишмовчилигини бартараф этиш бўйича профилактика ва индивидуал коррекция дастурларини ишлаб чиқишга замин яратади ҳамда болаларда касалликнинг узок давом этиши ва асоратлар сони камайиб, соғайиш тезлашади, ҳаёт сифати ошади. Иқтисодий самарадорлиги: D витамини етишмовчилигини эрта аниқлаб, мақсадли профилактика ва даво чораларини кўриш стационар даволаш муддатини қисқартиради, интенсив терапияга эҳтиёжни камайтиради ва давлат соғлиқни сақлаш тизимида бир беморга тўғри келадиган умумий тиббий сарф-харажатларни сезиларли камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмониянинг кечиши ҳақидаги замонавий қарашлар ва уларнинг патогенезида вегетатив дисфункцияларнинг роли "** номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган. Унда болалардаги ўткир пневмониянинг замонавий муаммолари, турли ёш давларида болалардаги вегетатив бузилишларнинг клиник кўринишлари ва уларни бартараф этиш усуллари, бронх-ўпка касалликлари бор болаларда вегетатив нерв системасининг функционал ҳолати хусусиятлари, эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмония кечишига D витамини ва макроэлементларнинг (кальций, магний ва фосфор) таъсири ёритилган. Шунингдек, ушбу муаммонинг ҳали ечимини топмаган ёки аниқлаштириш талаб этиладиган жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **"Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари"** номли иккинчи бобида тадқиқот объекти, қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминловчи усуллар ва услубий ёндашувлар тавсифи келтирилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, Самарқанд давлат тиббиёт университети (СамДТУ) кўп тармоқли клиникасининг болалар бўлимида (n=42 - 35%) ҳамда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг (ВБКТТМ) пульмонология ва реанимация бўлимида (n=78 - 65%) даволанган 3 ойликдан 3 ёшгача бўлган ўткир пневмония билан касалланган 120 нафар болалар текширилди.

Текширув бемор болаларнинг ота-оналари томонидан берилган ёзма ихтиёрий розилик асосида, инсон иштирокидаги тиббий тадқиқотларга қўйиладиган халқаро ахлоқий талабларга мувофиқ равишда ўтказилди (Жаҳон тиббиёт ассоциациясининг Хелсинки декларациясига кўра).

Ёш даражаларини ўрганиш давомида, ўткир пневмония энг кўп 1 ёшгача бўлган болаларда учраши аниқланди. Жумладан, болаларнинг 51,7 фоизи 3 ойликдан 1 ёшгача, 28,3 фоизи 1 ёшдан 2 ёшгача ва 24 фоизи 2-3 ёшда эди. Бир ёшгача бўлган болаларнинг ўртача ёши $6,92 \pm 0,26$ ойни, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда эса $1,92 \pm 0,08$ ёшни ташкил этди. Беморларнинг жинс бўйича тақсимланиши натижасида ўғил болалар 73 нафар (60,8%) бўлиб, қизларга нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланди. Қизлар сони эса 47 нафар (39,2%) ни ташкил этди.

Нафас олиш аъзолари ретнгонологик манзараси таҳлил қилинганда 86 (71,7%) нафар беморда икки томонлама ўчоқли соялар кузатилган, 22 (18,3%) беморда пневмония ўнг томонлама характерга эга бўлган ва 12 (10%) беморда эса чап томонлама сояланиш аниқланган.

Рентгенологик текширувлар ўтказилганда пневмониянинг морфологик шакллари тақсимланиши қуйидагича бўлди: асоратланган пневмония билан касалланган беморларда полисегментар шакллар 22 та (40%) ҳолда устунлик қилган, асоратланмаган пневмония билан оғриган беморларда эса ўчоқли шакл 35 та (53,8%) ҳолда кўпроқ учраган. Лобар ва субтотал пневмониялар фақат пневмониянинг асоратланган шакли билан касалланган беморларнинг 8 нафарида (14,5%) кузатилган. Пневмониянинг ўчоқлар-қўшилган шакли эса асоратланмаган пневмония билан касалланган беморларда, асоратланган пневмония билан касалланганларга нисбатан мос равишда 8 (14,5%) ва 24 (36,9%) кўпроқ учради.

Кузатувимиздаги болаларда ўткир пневмония белгиларини оғирлаштирувчи синдромлар частотаси таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди: бронхообструктив синдром 42 та (35%), юрак-қон томир етишмовчилиги 42 та (35%), респиратор дистресс синдроми 6 та (5%), токсик (нейротоксикоз) синдром 32 та (26,7%), ичак синдроми 38 та (31,7%). Икки синдромнинг бир вақтда кечиши 28 та (23,3%) беморда кузатилди.

Вегетатив гомеостазни ўрганиш дастлабки вегетатив тонус (ДВТ), вегетатив реактивликни (ВР) ва фаолиятнинг вегетатив таъминотини (ВТ) баҳолашни ўз ичига олади. ДВТ беморларнинг шикоятлари хусусияти (шу жумладан, анамнезда: оналардан сўровномалар ёрдамида олинган маълумотлар асосида), клиник белгилар, шунингдек, функционал текширув усул - кардиоинтервалография (КИГ) ёрдамида аниқланди.

Вегетатив тонус А.М.Вейннинг болалар ёшига мослаштирилган махсус сўровномаси ёрдамида текширилди. Болаларнинг юрак ритми бир хил вақтда, 10 дақиқа тинч ётган ҳолатидан сўнг ўрганилди. Умуман олганда, КИГ усули боланинг функционал имкониятларини баҳолаш, вегетатив бузилишларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш учун қўлланилган. Кардиоинтервалограммаларни қайд этиш (ҳар бир ҳолатда 100 та комплекс ҳажмида) уч каналли Cardiovit AT-1 G2 EТМ электрокардиографида амалга оширилиб, кейинчалик компьютерда таҳлил қилинди. Қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилди ва баҳоланди: мода (МО) - ўрганилаётган қаторда R-R интервалларининг энг кўп учрайдиган қийматлари; мода амплитудаси (АМО) - модага мос келадиган R-R интерваллари қийматларининг фоиз миқдори; вариацион диапазон (ΔX) - максимал ва минимал R-R интерваллари ўртасидаги фарқ; бошқарув тизимларининг зўриқиш индекси (ЗИ), бу ЗИ2 нинг (ортоклинал ҳолатдаги зўриқиш индекси) ЗИ1 га (тинч ҳолатдаги) нисбати билан аниқланади. Бевосита зўриқиш индекси (ЗИ) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: $АМО (\%) / (2 МО \times \Delta X (с))$.

Болаларнинг биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш SAPPPIRE 400, SUPER Z Analyzer ва RAPID анализаторлари ёрдамида амалга оширилди. Умумий кальций ва фосфор миқдори фотометрик усул ёрдамида ўрганилди.

D витамини метаболитларини аниқлаш ВБКТТМ лабораториясида юқори самарали суюқлик иммунохемилюминесцент усули билан амалга оширилди. Организмнинг D витамини билан таъминланганлигининг асосий кўрсаткичи сифатида D витаминининг жигар метаболити бўлган 25-гидроксиолекальциферол даражаси эътиборга олинди. Организмда D витамини миқдори 25(OH)D3 даражаси 30 нг/мл дан юқори бўлганда етарли деб ҳисобланди. Метаболит миқдорининг 30 нг/мл дан пастга тушиши бола организмда олекальциферол етишмовчилигини кўрсатади, 25(OH)D3 даражаси 20 нг/мл дан кам бўлганда эса D витамини танқислиги қайд этилди. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Intel Core i7-10700 процессорли (2.90 ГГц, 8 ядро, 16 оқим), 16 ГБ ДДР4 тезкор хотирали ва Windows 10 Pro 64-бит операцион тизимли компьютерда статистик ҳисоблаш тажрибаларидан ўтказилди. Бу жараёнда Microsoft Excel 2019, IBM SPSS Statistics v26 дастурий воситалари ҳамда R дастурлаш тили (RStudio муҳитида) қўлланилди.

"Эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияда вегетатив бузилишларнинг клиник ва функционал тавсифи" номли **учинчи бобида** эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмония пайтидаги вегетатив бузилишларнинг қиёсий клиник тавсифи ўрганилди. Бу бобда ушбу бузилишларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг болалар саломатлигига таъсири батафсил таҳлил қилинган.

Ота-оналарнинг энг кўп учрайдиган шикоятлари орасида йўтал 108 (90%), ҳолсизлик ва дармонсизлик 96 (80%), юқори ҳарорат 86 (71,66%), ҳансираш (97%), иштаҳанинг пасайиши (98%), уйқунинг бузилиши (87%) ва тутқанок (11,66%) ҳолатлари қайд этилган.

Турли даражадаги ҳарорат реакцияси 109 нафар (90,8%) беморда кузатилди, 11 нафар (9,2%) боланинг тана ҳарорати меъёрида эди. 74 нафар (61,67%) болада фебрил ҳарорат қайд этилди ва 2-7 кун давом этди, 19 нафар (15,8%) болада 3-5 кун давомида субфебрил ҳарорат кузатилди, 16 нафар (13,3%) болада эса ҳарорат 39°C дан юқори бўлди. Ўтказилган даволаш натижасида бир ёшгача бўлган болаларнинг атиги 6 нафарида (5%) юқори ҳарорат биринчи суткада пасайди, бир ёшгача бўлган 12 нафар (18,33%) болада ва бир ёшдан катта 21 нафар (20%) болада эса 2-3 суткада ҳарорат меъёрига тушди. Иситма даврининг давомийлиги касаллик шакли ва вегетатив дисфункцияларга боғлиқ эди. 3-5 кун ичида бир ёшгача бўлган болаларнинг 22 фоизида, бир ёшдан ошган болаларнинг 15 нафари (13,77 фоизи)да тана ҳарорати меъёрига тушди. Ваготонияли болаларда ҳаддан ташқари терлаш (гипергидроз) ва ҳатто паст ҳароратда ҳам терининг "мармарсимон" кўриниши кузатилди. Пневмониянинг бошқа клиник ва рентгенологик белгилари яхшиланишига қарамай, асоратланган 17 (15,6 фоиз) ва асоратланмаган 16 (14,7 фоиз) болада 7 кундан ортиқ тана ҳарорати юқори бўлиб қолди. Бундай ғайритабiiй ҳарорат реакцияси вегетатив нерв тизимининг патологик жараёнга жалб этилганлигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу сабабли, эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияни даволашда нафақат антибиотиклар ва бронхолитикларни, балки вегетотроп терапияни ҳам қўллаш зарур.

Умуман олганда, ҳарорат реакцияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. Вегетатив дисфункцияларда кўпинча фебрил (38,1°C - 39,0°C) иситма кузатилиб,

камдан-кам ҳолларда юқори даражаларга (39,1°C дан юқори) етарди. Бу эса ҳолатнинг оғирлигини яшириб қўярди.

Барча болаларда касалликнинг дастлабки босқичи кучли захарланиш, қон айланиши бузилишлари, нафас олиш етишмовчилиги, шунингдек, бошқа аъзо ва тизимларнинг зарарланиши билан характерланади.

Касалликнинг асосий клиник белгиси нафас етишмовчилиги эди. Бу тинч ҳолатда ҳансираш, кўкрак қафасининг юмшоқ жойларида таранглик, нафас олишда ёрдамчи мушакларнинг иштирок этиши билан намоён бўлди. Асоратли ўчоқлар-қўшилган, сегментар, полисегментар, шунингдек, пневмониянинг субтотал шакллари билан касалланган барча болаларда II-III даражали нафас етишмовчилиги ҳолатлари кузатилди. 120 нафар боладан 43 тасида (35,8%) II даражали нафас етишмовчилиги, атиги 12 тасида (10%) III даражали нафас етишмовчилиги, 35 нафар (29,2%) кузатувдаги болаларда эса пневмониянинг асоратланмаган шакли билан I даражали нафас етишмовчилиги аниқланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, беморларнинг аксарияти - 71 нафари (59,2%) куруқ, оғриқли йўталдан азият чеккан. Балғам ажралиши билан кечадиган нам йўтал 49 нафар (40,8%) беморда кузатилган бўлиб, бу ҳолат кўпроқ пневмониянинг асоратли шаклида аниқланган.

Кузатувдаги болаларнинг 86 нафарида (71,7%) бурун-лаб учбурчаги цианози кўринишидаги кислород етишмовчилиги белгилари кузатилди. Ўпкадаги перкутор ўзгаришлар 43 нафар (35,8%) беморда маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, ўпка товушининг қисқариши, баъзи жойларда эса тимпаник характерда намоён бўлди. Ўпкадаги аускултатив маълумотлар жуда хилма-хил эди. Дағал нафас 77 нафар (64,2%) беморда, бронхиал нафас олиш 8 (6,67%) беморда, зарарланиш ўчоқлари устида нафас олишнинг сустлашиши 43 нафар (35,8%) беморда аниқланди. Пневмониянинг авж олган пайтида кўпчилик беморларда, яъни 77 (64,2%) нафар беморда, дағал нафас фонида крепитация ва майда пуфакчали хириллашлар эшитилди. 42 нафар (35%) беморда нафас чиқаришнинг чўзилиши ва куруқ хириллашлар кузатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, 87 нафар (72,5%) беморда касалликнинг 4-5-кунларида жисмоний ўзгаришлар кучайиб борган, 8-9-кунларга келиб эса бу ўзгаришлар орқага қайта бошлаган. 12 нафар (10%) беморда эса жисмоний ўзгаришлар динамикаси жуда суст кечган.

Асоратланган сегментар, полисегментар ва лобар шакллардаги пневмонияларда юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришлар сезиларли даражада кузатилди. Изоляцияланган юрак-қон томир етишмовчилиги асоратланган ўчоқли, сегментар ва полисегментар пневмониялар билан касалланган 42 нафар (35%) беморда аниқланди. 12 (10%) ҳолатда эса юрак-қон томир системаси, марказий асаб тизими ва бошқа аъзоларнинг биргаликда зарарланиши кузатилди. Пневмония билан касалланган 23 (19,2%) беморда кардит ташхиси қўйилди.

Юрак-қон томир етишмовчилиги нейротоксикоз билан биргаликда кўпинча микроциркуляция бузилишларига сабаб бўлган. Касалхонага қабул қилинган 32 (26,7) нафар болада турли даражадаги микроциркуляция бузилишлари кузатилди. Бу ҳолат тери қопламларининг кескин оқариши, терининг мармарсимон тусга кириши, бурун-лаб учбурчагининг цианози қўл-оёқ


учларининг цианози, оёқ-қўллар ва бурун учининг совиб қолиши ҳамда совук ёпишқоқ тер чиқиши билан намоён бўлди.

Юрак-қон томир тизимининг функционал метаболик ҳолатидаги зўриқишнинг бошқа кўринишлари ЭКГдаги ўзгаришларда намоён бўлди. Улар орасида асосий ўзгаришлар қуйидагилар эди: вольтажнинг пасайиши, Т тишчанинг кичрайиши ёки инверсияси. 12 та (21,8%) беморда гипокалиемиа фонида миокарднинг токсик-гипоксик шикастланиши билан Т оралиғининг инверсияси кузатилди. III даражали токсикоз ҳолатлари мавжуд 3 та (5,45%) болада юрак ритмининг бузилиши аниқланди. Асоратланган пневмония билан касалланган болаларда аҳволнинг оғирлиги токсик синдром туфайли янада кучайди. Пневмония билан касалланган беморларда токсик синдром нейротоксикоз кўринишида намоён бўлди. Нейротоксикоз белгилари пневмониянинг асоратланган сегментар, полисегментар ва лобар шаклида 32 нафар (26,7%) беморда кузатилди. 29(24,2%) нафар болада нейротоксикознинг биринчи - гипертермик босқичи қайд этилди. Бунда клиник кўринишда марказий асаб тизими томонидан белгилар, хусусан, ҳаракатсизлик ёки безовталиқ, қусиш, менингеал симптомлар, талваса устунлиқ қилди.


Нейротоксикознинг сопороз динамик фазасига 3 нафар (2,5%) бола тушган бўлиб, унинг клиник манзараси марказий асаб системасининг сезиларли даражада тормозланиши, бош ичидаги босимнинг ошиши, мия шиши, ваготоник коллапс белгилари ва микроциркуляциянинг бузилиши билан тавсифланади.

Текширилган 82 нафар (68,3%) боланинг аксариятида токсикоз ва нафас етишмовчилиги кучайган пайтда ошқозон-ичак тизими бузилишлари кузатилди. Бу бузилишлар қуйидагича намоён бўлди: 48 (40%) болада тез-тез қусиш, 28 (23,3%) болада эксикоз, 58 (48,3%) болада ошқозон-ичак тракти моторикасининг бузилиши - метеоризм, 5 (4,16%) болада ичак парези ва 24 (20%) болада беқарор ич келиши. Ошқозон-ичак тизими фаолиятининг бузилиши кўп ҳолларда бир ёшгача бўлган болаларда кузатилди.

Вегетатив дисфункциялардаги шикоятлар ва клиник белгиларнинг муҳим аҳамиятини инобатга олиб, ўткир пневмония билан касалланган беморларда уларнинг батафсил тавсифини қуйидаги 1-2- диаграммада келтираамиз.



1-Расм Дастлабки вегетатив тонусга қараб ўткир пневмония билан касалланган болаларнинг асосий шикоятлари.



2-Расм Дастлабки вегетатив тонусга қараб ўткир пневмония билан касалланган болаларнинг асосий клиник кўриниши.

Келтирилган шикоятлар тавсифидан кўриниб турибдики, иккала гуруҳдаги беморлар орасида симпатикотония устунлик қилган бўлиб, бу ҳолат айниқса пневмония билан асоратланган беморларда яққол намоён бўлган. Таъкидлаш жоизки, барча текширилган беморларда шикоятлар сони кўп ва хилма-хил бўлиб, ҳар бир беморда улар деярли барча аъзолар ва тизимларга таъсир кўрсатган. Обьектив текширув ўтказилганда ҳам худди шундай натижаларни кузатдик. 1 ёшгача бўлган 62 нафар (51,7%) текширилган беморнинг 50 нафарида касалликнинг клиник белгилари яққол намоён бўлган даврда шифохонага ётқизилганда, ошқозон-ичак трактининг функционал ҳолатидаги ўзгаришларни аниқладик. Бу ўзгаришлар кунига 1-3 марта қусиш, корин дам бўлиши, ич келишининг бузилиши, шунингдек қабзият билан намоён бўлди. 3 ёшгача бўлган беморларнинг 24 нафарида (20%) эса қорин соҳасидаги оғриқлар устунлик қилди.

Вегетатив асаб тизимининг дастлабки ҳолатига боғлиқ равишда ошқозон-ичак тракти бузилишлари 3-диаграммада акс эттирилган.



3-Расм Вегетатив асаб тизимининг дастлабки ҳолатига боғлиқ равишда ошқозон-ичак тракти бузилишлари

Диаграммадан кўриниб турибдики, гиперсимпатик ва симпатик дастлабки вегетатив тонусли беморларда қорин дам бўлиши, қабзият устунлик қилган, ваготоник бошланғич вегетатив тонусда эса кўпинча диарея, қайт қилиш ва қусиш синдроми аниқланган.

Шундай қилиб, эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмония пайтида ошқозон-ичак трактининг функционал ўзгаришлари вегетатив нерв системасининг (ВНС) инфекцион-яллиғланиш жараёнига кўрсатадиган реакцияси билан бевосита боғлиқ. Дастлабки вегетатив дисфункцияси ёки ВНС етилмаганлиги мавжуд бўлган болаларда бу бузилишлар янада яққолроқ намоён бўлади.

Барча беморларга касалхонага ётқизилганда, тана ҳарорати меъёрлашган биринчи кунда ва шифохонадан чиқарилаётганда КИГ ўтказилди ҳамда бу усулнинг асосий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Хусусан, вегетатив ҳолат ЗИ1 ни формула бўйича ҳисоблаш орқали аниқланди.

Шифохонага ётқизилганда ўтказилган КИГ маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, асоратланган пневмонияда гиперсимпатикотоник ДВТ 29 та (52,7%) беморда устунлик қилган, асоратланмаган пневмония билан оғриган беморларда эса симпатикотония 36 та (55,4%) беморда устунлик қилган. Ваготония асоратланган пневмония билан касалланган 5 та (9,1%) беморда ва асоратланмаган пневмония билан касалланган 1 та (1,5%) беморда аниқланган. Шу билан бирга, яққол ифодаланган ваготония фақатгина асоратланган пневмония билан касалланган 4 та (7,3%) беморда қайд этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, эрта ёшдаги болаларда асоратланган ва асоратланмаган пневмония ҳолатларида, шифохонага ётқизилган пайтда биронта ҳам ҳолда ДВТнинг эйтоник варианты қайд этилмади.

Олинган маълумотлардан маълум бўлишича, пневмониянинг клиник белгилари авж олган давр, асоратнинг хусусиятидан қатъи назар, симпатoadренал механизмларнинг зўриқиши билан тавсифланади. Буни Мо ва вариацион оралиқнинг (ΔX) камайиши, АМО қиймати ва зўриқиш индексининг (ЗИ) ошиши ($P < 0,001$) кўрсатади. Бу кўрсаткичлар вегетатив нерв системасининг айнан шу бўлимининг функционал фаоллик константаси ҳисобланади (1-жадвалга қаранг).

1-Жадвал.

Ўткир пневмония билан касалланган 1 ёшгача (сурат) ва 1 ёшдан 3 ёшгача (махраж) бўлган беморларда КИГ кўрсаткичлари.

Гуруҳ	МО, с	АМО, %	ΔX , с	ЗИ 1, ш.б.
Соғлом (n=25)	0,46±0,02	44±2,2	0,14±0,004	478±18,5
	0,58±0,02	28±2,5	0,23±0,04	134±17,7
Асоратланган пневмония (n=55)	0,48±0,06 P<0,001	71.27±4.90 P<0,01	0,09±0,01 P>0,1	970.73±265.89 P<0,001
	0,73±0,12	55.2±4.90	0,12±0,02	508.52±145.5
Асоратланмаган пневмония (n=65)	0,72±0,07 P<0,001	62.11±5.03 P>0,1	0,13±0,01 P<0,05	488,87±46.5 P<0,001
	0,77±0,12	52.29±2.72	0,18±0,04	404.4±49,2

Изоҳ: P - соғломлар гуруҳига нисбатан кўрсаткичларнинг ишончлилиги

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ўткир пневмония билан касалланган беморларда КИГ кўрсаткичлари асоратланган пневмонияда симпатoadренал тизимнинг юқори даражада зўриқишини кўрсатади. Бунга иккала ёш гуруҳида ҳам кескин пасайган МО ва ΔX кўрсаткичлари далил бўлади. Асоратланмаган пневмония билан касалланган беморларда МО ва ΔX кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайган бўлса-да, мослашув механизмларининг бузилиши кузатилмади. Буни ΔX параметрларининг сезиларли даражада пасаймаганлиги тасдиқлайди.

Бунда гиперсимпатикотонияли болаларда ЗИ кўрсаткичлари меъерий қийматларга нисбатан 12 баробар, симпатикотонияли болаларда эса 9,6 баробар ошганлиги кузатилди ($P < 0,001$). Бу маълумотлар умумий мослашув реакцияларининг қанчалик зўриқишда эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Пневмониянинг авж олиш даврида ΔX ва МО нинг пасайиши юқорида келтирилган фикрнинг яна бир тасдиғи ҳисобланади. Бу эса организмнинг мослашув ва ҳаётӣ фаолиятини таъминлаш жараёнлари тизимида парасимпатик ва нейрогуморал механизмларнинг функционал фаоллиги минимал ҳолатда эканлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, КИГ кўрсаткичлари пневмониянинг оғирлиги ва асоратлар хавфини белгиловчи омиллар бўлиши мумкин. Эҳтимол, гиперсимпатикотония асоратлар пайтида организмнинг кучлироқ стресс реакцияси билан боғлиқдир. Ваготония, айниқса яққол ифодалангани, камдан-кам учрайди, бироқ бу ҳам мумкин бўлган асоратлардан дарак беради. Бу эса эрта ташхис қўйиш ва даволаш жараёнини самарали бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Стационарга ётқизилганда, 1 ёшгача бўлган 4 та (3,33%) болада ўта оғир аҳволда яққол ваготоник таъсир, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 5 та (4,17%) беморда эса ваготония устунлик қилгани аниқланди. ДВТнинг яққол ифодаланган ваготоник тури аниқланган беморлар касалхонага кечикиб, касалликнинг 7-10-кунларида келишган. Кўкрак қафаси рентгенографиясида полисегментар пневмония мавжудлиги аниқланди.

Шундай қилиб, шифохонадан ташқари пневмониянинг асоратланган ва асоратланмаган шаклларида ВНС фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нафақат нафас олиш тизимидаги, балки бутун организмдаги реактивликнинг бузилишидан далолат беради. Реактивликнинг бундай бузилиши натижасида нафақат этиотроп омиллар, балки вегетатив дисфункциялар ҳам касалликнинг авж олган даврида ҳам, соғайиш даврида ҳам боланинг аҳволини ёмонлаштириши мумкин. Шу сабабли, этиотроп патогенетик даволашни вегетатив мувозанатни тиклаш, реактивликни яхшилаш ва организмнинг мослашув қобилиятини оширишга қаратилган адаптацион тиббиёт усуллари билан оқилона уйғунлаштириш зарур.

Диссертациянинг "Вегетатив дисфункцияли эрта ёшдаги болаларда витамин-минерал алмашинуви ҳолати ва ўткир пневмонияни даволаш самарадорлигини баҳолаш" деб номланган **тўртинчи бобид**а.

Вегетатив дисфункциялар фонида ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларда витамин-минерал алмашинуви (D витамини, кальций, магний, фосфор) ҳолати ўрганилди.

Шунга кўра, ўткир пневмония билан касалланган барча беморлар асоратларга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича тақсимланди: I гуруҳни асоратланган пневмония билан касалланган 55 нафар бемор, II гуруҳни асоратланмаган пневмония билан касалланган 65 нафар бемор ташкил этди. Назорат ёки шартли соғлом гуруҳига эса шу ёшдаги 55 нафар соғлом бола киритилди.

2-Жадвал

Ўткир пневмония билан касалланган эрта ёшдаги болаларнинг қонида умумий ва ионлашган кальций, магний, фосфор ва D витамини даражаси, (М±м)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=50	Асоратланган пневмония n=55	Асоратланмаган пневмония n= 65
Са умумий, ммоль/л	2,5±0,03	1,8±0,02***	2,3±0,04
Са ион, ммоль/л	1,24±0,01	0,92±0,06***	1,06±0,03**
P, ммоль/л	1,25±0,02	1,02±0,05***	1,04±0,07
Mg (ммоль/л)	0,92±0,07	0,7±0,02**	0,88±0,02
25(OH)D ₃ , нг/мл	38,2±7,9	18.24±2,34*	26.56±1,95

Изоҳ: Соғлом ва пневмония билан касалланган беморларда кўрсаткичлар фарқининг ишончилиги (** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Асоратланган ва асоратланмаган пневмония билан касалланган беморлар гуруҳида кальций, магний, фосфор ва D витамини даражасини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Фосфор-кальций алмашинувининг биокимёвий кўрсаткичлари таҳлили касалхонага ётқизилган биринчи ёки иккинчи кунда ўтказилди (1-жадвал).

Асоратланмаган пневмония билан касалланган беморларнинг кўпчилигида илгари адабиётларда тасвирланган гипокалцемия ва гипофосфатемия кўринишидаги типик ўзгаришлар йўқлиги эътиборни тортди. Асоратланмаган пневмония билан касалланган болаларда қон зардобидаги умумий кальций даражаси меъёр чегарасида қолди ($P > 0,1$). Асоратланган пневмония касалланган болаларда қон зардобида умумий кальций миқдори сезиларли даражада пасайган ($1,8 \pm 0,02$ $P < 0,01$ ммол/л). Вегетатив дисфункцияси бўлган болаларда пневмонияда кальций алмашинуви бузилишининг энг сезгир маркери ионлашган кальций даражаси бўлиб, унинг пасайиши асоратланган пневмония билан касалланган беморларнинг 100% ва асоратланмаган пневмония билан касалланган болаларнинг 34,2% да қайд этилди.

Қон зардобидаги фосфор миқдори кўпчилик болаларда асоратлардан қатъий назар паст кўрсаткичларда сақланиб қолди. Асоратланмаган пневмония билан касалланган болаларнинг атиги 16 тасида (9,2%) фосфорнинг нормал таркиби аниқланган, улардан 10 нафари 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган.

